

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

### **374 Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик» тўғрисидаги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишибилармонлик мухитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли Фармонига мувофиқ, шунингдек, давлат солиқ хизмати органлари томонида солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 8 август,  
ПҚ-1801-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2012 йил 8 августдаги  
ПҚ-1801-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва  
ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 7-банддаги «Интернет тармоғи орқали» сўзларидан кейин «кеча-кундуз» сўзлари қўшилсин.

2. 8-банднинг учинчи хатбошидаги «8» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин.

3. 10-банднинг иккинчи хатбошидаги «тўлиқ ва коммандит ширкатлар» сўзларидан кейин «оилавий корхоналар» сўзлари қўшилсин.

4. 11-бандда:

а) «а» кичик бандидаги «ҳамда бозорнинг устав фондига таъсис хужжатларида кўрсатилган микдорнинг камидаги 30 фоизи киритилганлигини тасдиқловчи хужжат» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) «б» кичик бандининг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«кредит ташкилотлари учун — ҳар бир таъсисчи томонидан корхона устав фондидаги ўз улушининг 30 фоизи киритилганлигини тасдиқловчи хужжатлар (вақтинчалик сўмлардаги ва валютадаги жамловчи ҳисоб рақамларига пул маблағлари киритилганлиги ҳақида банк маълумотномаси, мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилганлигини тасдиқловчи божхона хужжати, мол-мулкни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, киритилаётган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи хужжат ва бошқалар)».

5. қўйидаги мазмундаги 33<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«33<sup>1</sup>. Оилавий корхона балансига берилган, оилавий корхона иштирокчилари мол-мулки рўйхатига ўзгартиш киритишга олиб келган оилавий корхона бошлиғи алмашган, оилавий корхона таркиби (таркибидан) ихтиёрий кирган (чиқкан), эр хотиннинг никоҳи бекор қилинган ёки оилавий корхона иштирокчиси вафот этган тақдирда таъсис шартномасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади. Бунда оилавий корхона таъсис хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди.»

6. 1-илова қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**374-модда**

**— 6 —**

**32 (532)-сон**

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

га

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

дан

(ариза берувчининг Ф.И.О.)

## **АРИЗА-ХАБАРНОМА**

(юридик шахснинг давлат тилидаги тўлиқ ва қисқартирилган номи)

ни давлат рўйхатидан ўтказишингизни илтимос қиласман

Мулкчилик шакли: \_\_\_\_\_  
(жамоат (давлат) хусусий)

Ташкилий-хуқуқий шакли:

(акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, ёки коммандит ширкат, унитар корхона, хусусий корхона, оиласиб корхона, ишлаб чиқариш кооперативи, фермер хўжалиги, юридик шахс ташкил этган холда дехкон хўжалиги ва бошқа тижорат ташкилотлари)

Рўйхатдаги ходимларнинг таҳмин қилинаётган сони \_\_\_\_\_ киши.  
Асосий фаолият тури: \_\_\_\_\_

Почта манзили: \_\_\_\_\_

Почта индекси: \_\_\_\_\_ Мулоқот телефони: \_\_\_\_\_

(Корхона ёки ташкилотнинг) электрон манзили: \_\_\_\_\_

Ариза-хабарномага қўшимча равишда илова қилинадиган хужжатлар\*: \_\_\_\_\_

1. \_\_\_\_\_

2. \_\_\_\_\_

3. \_\_\_\_\_

Тасдиқлайманки, таъсис хужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган бошқа хужжатлардаги маълумотлар тўғри ва қонун хужжатларига мувофиқ келади.

(тўлдирилган сана ва вақт)

(таъсисчи ёки ариза берувчининг ваколатли шахси имзоси)

**Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й.**

**32 (532)-сон**

— 7 —

**374-модда**

Кабул қилиб олдим.

(кабул қилиниб олинган сана ва вақт)

(рўйхатдан ўтказувчи орган  
масъул ходимининг имзоси)

»;

7. 1а-илова қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тадбиркорлик субъектларини давлат  
рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг  
хабардор қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1а-ИЛОВА

га  
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

дан  
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

### **АРИЗА-ХАБАРНОМА**

муддатга

(жисмоний шахс — якка тартибдаги тадбиркор томонидан тўлдирилади)

(фаолият амалга ошириладиган жой)

ни амалга ошириш учун

(фаолият тури)

сифатида

(якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ташкил этилмаган дехкон хўжалиги)

юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш  
учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни сўрайман.

Якка тартибдаги тадбиркор, дехкон хўжалиги бошлиғи тўғрисидаги  
маълумотлар:

Ф.И.О. \_\_\_\_\_

Паспортга оид маълумотлар: \_\_\_\_\_

(серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

Уй манзили: \_\_\_\_\_

Почта индекси: \_\_\_\_\_ Мулоқот телефони: \_\_\_\_\_

Аризачининг электрон манзили: \_\_\_\_\_

**374-модда**

— 8 —

**32 (532)-сон**

Ариза-хабарномага қўшимча равиша илова қилинадиган хужжатлар<sup>\*</sup>:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

---

(тўлдирилган сана ва вақт)

(ариза берувчи фуқаронинг имзоси)

---

(қабул қилиниб олинган сана ва вақт)

(рўйхатдан ўтказувчи орган  
масъул ходимининг имзоси)

»;

8. З-илова қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тадбиркорлик субъектларини давлат  
рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг  
хабардор қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Юридик шахсларга солик тўловчининг идентификация  
рақамини (СТИР) бериш учун  
СЎРОВНОМА**

01. Тўлиқ номи:

МАНЗИЛИ

03. Почта индекси:

04. Вилоят, Тошкент ш.,  
Қорақалпоғистон  
Республикаси:

05. Туман:

06. Шаҳар, қишлоқ, мавзе:

07. Кўча:

08. Уй, корпус, блок

09. Телефон:

10. Телекс:

11. Факс:

32 (532)-сон

— 9 —

374-модда

12. Асосий фаолият тури:
  13. Мулкчилик шакли:
  14. Ташкилий-хуқуқий шакли:
  15. Бош корхонанинг СТИРи (агар мавжуд бўлса):
  16. (Ташкилот ёки корхонанинг) электрон манзили:
  17. Рўйхатдаги ходимларнинг тахмин қилинаётган сони:
  18. КТУТ хос рақами:

(юборилган сана ва вакт)

(Рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг ФИО)

- ## 9. За-илова қүйидаги таҳрирда баён қилинсін:

«Тадбиркорлик субъектларини давлат  
рүйхатига олиш ва хисобга күйишнинг  
хабардор қилиш тартиби  
тұғрисидаги низомга  
За-ИЛОВА

## **Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этилмаган деҳқон хўжаликларига солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериш учун СЎРОВНОМА**

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й.

**374-модда****— 10 —****32 (532)-сон**

08. Туман:						12. Хонадон:				
09. Шаҳар, қишлоқ, мавзе:										
10. Кўча:										
11. Уй, корпус, блок:										
13. Телефон:										
<b>14. Электрон манзили:</b>										
ХУЖЖАТ					16. Рақами:					
15. Серияси:										
17. Ким томонидан берилган:										
18. Берилган вақти (кун, ой, йил):						19. Жинси: эркак:		аёл:		
20. Муддати (кун, ой, йил):										
21. Фуқаролиги: Ўзбекистон Республикаси фуқароси	Чет эл фуқароси:					Фуқаролиги бўлмаган шахс:				
22. Доимий яшаш мамлакати										
23. Фуқаронинг шахсий рақами (паспорт бўйича):										
24. Фаолият тури:										
25. Фаолиятни амалга ошириш жойи:										

(юборилган сана ва вакт)

(Рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг Ф.И.О.)».

10. 7-илова қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг  
 хабардор қилиш тартиби  
 тўғрисидаги низомга  
 7-ИЛОВА

**Давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органларига тақдим этиш учун зарур бўлган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги МАЪЛУМОТЛАР**

1. Тадбиркорлик субъектининг номи, Ф.И.О.\*

Тўлиқ:
Қисқартирилган:

---

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

**32 (532)-сон****— 11 —****374-модда**

2. Почта манзили (туман, шахар, уй манзили\*)


3. Янгидан ташкил  
этилган

--

Қайта ташкил этиш йўли  
билин тузилган

--

Таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар

--

4. (Ташкилот ёки корхонанинг) электрон манзили: \_\_\_\_\_

5. Мулоқот телефонлари: \_\_\_\_\_

6. ТХШ хос рақами: \_\_\_\_\_

МШ хос рақами: \_\_\_\_\_

МҲОБТ хос рақами: \_\_\_\_\_

КТУТ хос рақами: \_\_\_\_\_

ХХТУТ хос рақами: \_\_\_\_\_

СТИР\*\*: \_\_\_\_\_

7. Муассислар тўғрисидаги маълумотлар:

Муассислар (номи, мамлакат, Ф.И.О. паспортга оид маълумотлар*)	Муассисларнинг устав фондидаги улуши		
	минг сўмда	минг АҚШ долларида	%да
<b>Жами устав фонди</b>			

8. Рўйхат бўйича ходимларнинг тахминий сони: \_\_\_\_\_ киши

9. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи: \_\_\_\_\_

10. Рўйхатдан ўтказилди \_\_\_\_\_ (тартиб) \_\_\_\_\_ (санаси)

11. Фаолият амалга ошириладиган жой\*:

(юридик шахс ташкил этилмаган хўжаликлари учун ажратиладиган ер участкаси ва  
унинг майдони кўрсатилади)

**374-модда**

**— 12 —**

**32 (532)-сон**

12. Фаолиятни амалга ошириш муддати\*:

---

---

Рўйхатдан ўтказувчи орган мансабдор шахсининг фамилияси, исми,  
отасининг исми

---

---

Имзо \_\_\_\_\_  
М.Ў.

\* Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этилмаган  
дехқон хўжаликлари учун тўлдирилади.

\*\* Шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс таш-  
кил этилмаган дехқон хўжаликлари учун тўлдирилади.».